# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

39 сон

25 сентябр — 1 октябр 2002 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси


## 1 Октябр — ўқитувчи ва мураббийлар куни

# МАҲАЛЛАНИНГ ОНАХОНИ



Чилонзор тумани Лутфий маҳалласида умргузаронлик қилаётган табаррук онахон Турсунхон ҳожи она Искандарова 70 баҳорни қаршиладилар.

Бугун таваллуд кунларида тенгдошлари, маҳалладошлари, шогирдлари даврасида танбурга жўр бўлиб қўшиқ куйлаётганлари устига бориб қолдик. Онахон куй-қўшиқлари билан бизнинг ҳам кўнглимизни хушнуд этдилар. Бир пиёла чой устида у кишини суҳбатга тортдик.

**- Ҳожи она, бахт тушунчасини биз ёшларга изоҳлаб берсангиз?**

- Уни бир оғиз сўз билан таърифлаб бўладими, болам. Келин бўлиб чимилдиққа кирганим бахт эди. Биринчи фарзандим туғилгани ҳам бахт эди мен учун. Қизимни узатиб, ўғлимни уйлаган куним ўзимни еттинчи осмонда ҳис этганман. Санайверсам бахтли кунларимнинг адоғи йўқ. Уч йил бурун чолим оламдан ўтганда,- дея кўзларига ёш олдилар ҳожи она, - мен учун ҳаммаси тугагандай туюлганди. Ўғил-қизларим, мана шу сиз кўриб турган жон-жигар маҳалладошларим мени суяди. Улар мени тарки дунё қилишдан асраб қолди, болам. Муҳими, тинчлик, хотиржамлик, ҳамжиҳатлик бўлсин, меҳр-оқибат сўнмасин.

**- Ҳожи она, ҳамжиҳатлик ҳақида сўз очдингиз. Умр йўлдошингиз билан кечган ширин дамларингизни ҳам эсга олсангиз.**

- Биз олийгоҳда ўқиб юрган пайтимиз топишганмиз. У киши мағрур ва бир сўзли, шу билан бирга сержаҳл ҳам эдилар. Бир гапларини икки қилмасдим. Бир мактабда ишлардик. Ҳожи дадангиз билан 45 йил турмуш қурдик. Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин, ажойиб инсон эдилар. Жудаям меҳнаткаш, қўллари гул эди. Шу иморатларни ҳам пойдеворидан тортиб, эшик-деразa, ромларигача ўз қўллари билан тиклаганлар. Ҳамиша бамаслаҳат иш қилар эдик. Оилада бир-бирини тушуниш яхши. Бир-бирини қадрлаш жуда катта бахт болам. Рўзғоримизни тиклаш ниятида бир ярим ставка иш олгандим. 5та болани едириш-кийдириш, кирини ювиш, яна не маҳалгача 5-6 соатлик конспект ёзиш, очиғи роса қийналганман. Баъзан рўзғоримиз янги эмасми, узилишлар бўларди. Ҳозирги ёшларнинг пичоғи ёғ устида. Фақат меҳнат қилса бас. Бир ўғлим Македонияда, бири Москвада, кичиги шу ерда , икки қизим ҳам иш билан банд. Рўзғорлари обод, 13 набирам, 2 эварам бор. Уларни кўриб кўнглим хотиржам.

**- Қайнона-келин можароси қаердан келиб чиқади?**

- Оллоҳга шукр, икки қиз чиқардим, уч келин туширдим. Энди сизга айтсам болажоним, қарс икки қўлдан чиқади. Агарки келинларим вақтида айтганларимни қилишмаса, гапимга қулоқ солишмаса, менинг жаҳлим чиқади албатта. Лекин улар ҳам кўнглимга қараб, иссиқ -совуғимдан хабар олиб туришади. Ширин сўзларини мендан аяшмайди. Шунда мен бирпасда жаҳлимдан тушиб қоламан. Қайноналар ўзларининг келинчаклик даврини эслашса, келинлар эса ўзи ҳам қайнона бўлишларини эслашса олам гулистон.

***Кўпни кўрган онахон шу куни чиндан ҳам бахтиёр эдилар. Гул кўтариб келган шогирдларининг ҳар бирини бағрларига босиб юзларидан ўпардилар. Кўнглимдан Турсунхон ҳожи она бутун маҳалланинг онаси экан, деган хаёл кечди. Барчамизга шундай бахт насиб этсин.***

**Тоҳир НОРИМОВ**



*- Муаллимлик касбининг юки оғир эканлигини ўзим ўқитувчи бўлганимдагина англаганман,- дейди Тошкент шаҳридаги 299-мактаб ўқитувчиси Мамлакат Раҳимбердиева. У 30 йил ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб “Биринчи тоифали муаллим” даражасига сазовор бўлган.*

*Бугун фидойи касби туфайли ҳурмат-эъзозга сазовор ўқитувчи опадан сабоқ олган кечаги ўқувчилар бугунги кунда ҳаётимизнинг турли жабҳаларида ишламоқдалар. Шогирдлари орасида ўқитувчиликдек машаққатли касбга меҳр қўйганлари ҳам анчагина.*

**М. МИРСОДИҚОВ**

# ОЛТИНОЙ ОПАНИНГ ОЛТИНЛАРИ

Биз қимматбаҳо деган сўз қийматини жонсиз буюмлар билан ўлчаб ўрганганмиз. Аслида эса дунёда беғубор қалбдан кўра қимматлироғи бормикин? Йўқ. Олтиной опа бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ берган илк кунлардаёқ бу нарсани англаб етганди. Мана йигирма йилдан ошибдики, болалар унинг чинакам олтинларига айланиб қолди.

- Туну кун ўқувчиларимнинг фикри-ёди билан яшайман,- дейди опа. -Ҳатто тушларимда ҳам нимадир янги гап айтиб, уларни хурсанд қилаётган бўламан. Ўқувчиларим қиқирлаб кулишади. Уйғониб кетаман. Соат қўнғироғи тинимсиз жиринглаётган бўлади. Илдам тураману, ёзув столимга ўтириб ўқувчилар дафтарларини варақлай бошлайман...

Тонгги иш соатлари кишига нима учун керак? Муттасил изланиш, ўз-ўзини камолга етказиш учун, шундай эмасми? Айниқса ўқитувчи учун бундай соатларнинг қадри ўзгача. Истиқлол ўқитувчиси шунчаки ишлаб, шунчаки дарс беришга ҳаққи йўқ. Ахир бугунги болалар ўта зукко, уларни ёлғон ғоялар билан алдаб бўлмайди. Фақат ростни сўзлаш шарт!

Олтиной опа Акабоева аслида туғма педагог. У Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабда иш бошлаганидан буён ўтган вақт ичида фақат ўз устида изланди, жамики яхши фазилатларини, кучи ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига аямай сарф этди. Болалар қалбида меҳр уйғотди, уларга ардоқли бўлди.



- Билсангиз, ҳаётда мен энг кўп унвон олган аёлман,- дейди Олтин ой опа. - Ўқувчиларим юрагидаги меҳр, ота-оналарнинг менга ишончи, ҳамкасбларимнинг ҳурмати, умр йўлдошим ва уч фарзандимнинг эъзоз эҳтироми, ҳамма-ҳаммаси менинг унвонларим. Бу унвонлар ҳаёт йўлимни ёритади, мени эзгуликларга илҳомлантиради...

Опа жилмаяди. Афтидан шу дамда ўқувчиларини кўз олдига келтириб ўзи ҳам ҳаяжонланади. Бу ҳолат эса ҳар куни такрорланаверади.

**Г. ЖАМИЛОВА**

# КЕКСА МУРАББИЙЛАРГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Яқинда, пойтахтимизнинг Наврўз ресторанида, “Қарияларни қадрлаш йили” ҳамда ўқитувчи ва мураббийларнинг касб байрамларига бағишлаб Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига қарашли 8 - Бизнес мактабида бир неча йиллар фаолият кўрсатган кекса мураббийларга атаб байрам дастурхони ёзилди. Кекса педагогларга ва 60 ёшга тўлган педагоглар Карим Усмонов, Турғун Қодировларга эсдалик совғалари берилди.

- Пазандалик санъати ҳар бир миллатнинг характерини ёритиб беради, - дейди 8-Бизнес мактаби директори Эркин ака Умарқулов. - Ўқувчиларга билим беришда ҳамиша кекса устозларнинг тажриба ва малакаларига таянамиз.

**ҲУЛКАР**

# ҚУДАЧИЛИК — МИНГ ЙИЛЧИЛИК

**ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ 1- КОРАСУВ ДАҲАСИДА ЯШОВЧИ САНОБАРХОН ЮНУСОВА ҲИКОЯСИ**



- Тўғри, ҳар бир қайнонанинг ўз мактаби бўлиши керак. "Оила ва жамият" газетаси шу ҳақда сўз юритиб жуда тўғри қилаяпти. Менинг мактабим шундай-ки, оилани мустаҳкамлаш ҳаракатини тўйдан олдин қудалар билан муносабатдан бошлайман. Яъни, борди-келдини, аниқроғи, олди-бердини яхшиликча, аҳиллик билан уларнинг ҳол-аҳволларига, раъйига қараб олиб бораман. Бўлар-бўлмас талабларни, қўша-қўша тоғоралар-у, ортиқча саруполар қилишни уларнинг олдига кўндаланг қўймайман.

Икки қуда ими-жимида келишиб, биримизда йўғини иккинчимиз тўлдириб, борига шукр қилиб, тўйларни камтарона ўтказамиз. Ҳа, қудалар опа-сингилдек бўлса, фикри бир жойдан чиқса, бир-бирини тушунса, қўлласа, қайнона-келин муносабатлари ўз-ўзидан яхши кетаверади.

Мен келинларимга ҳеч қачон отанг ундоқ, онанг бундоқ, қариндош-уруғларинг яхшимас, деган гапларни айтган эмасман. Аксинча уларни мақтайман, ҳурмат-иззат кўрсатаман. Келинларим биринчи кунданоқ менга меҳр қўйди.

Иккинчидан, келинларнинг ўқиши, ишлашига, рўзғор ишларини ўрганиш, вақти келганда соғлиқларини мустаҳкамлаб олишларига яқиндан ёрдам бераман. Мисол учун, Нигорахон қўлимга келин бўлиб келганида эндигина Тошкент Политехника институтининг 1-курсида ўқий бошлаган эди.Институтни битириб олишига ҳаммамиз ёрдам бердик. Бу орада икки фарзандли бўлди. Қизим Саидахон ҳам талаба эди. Ўқишдан келди дегунча келинойисига ёрдам берарди. Жиянларига қарарди. Мана ҳозир Нигорахон келиним илмий-текшириш институтида бўлим мудири. Саида қизим болалар шифокори бўлиб етишган. Уйли-жойли.

Кенжа келиним Светахон (дадалари шу исмни яхши кўриб, қўйган эканлар) ҳам жуда эсли-ҳушли, уч фарзанднинг онаси. Ҳозирча уйда болалар тарбияси билан банд. Ўғилларим Аҳроржон, Музаффаржон ҳам олий маълумотли, касб-корли, ҳаммамизга меҳрибон йигитлар.

Учинчидан, биз дадаси икковимиз келинларни бир умр ўзимизга тобе қилиб олиб ўтирмадик. Ўғилларим, келинларим ишлаб




топган пулларни тўплаб юрдик. Ёнига қўшиб ҳовлимиз рўпарасидаги кўп қаватли уйлардан алоҳида-алоҳида хонадонлар олиб бердик. Тўғри-да, оқ-қорани таниб, болаларини катта қилиб олгунча беш-ўн йил бирга яшадик. Энди улар ҳам эмин-эркин, мустақил яшаб, ўзлари рўзғор тебратганлари маъқул. Баъзилар: "Келинлар хизматингизда бўлгани яхши эди-ю!" дейишади. Шунда мен уларга: "Ҳозир ҳам улар биздан хизматларини аяшмайди. Меҳмон келса, уйда у-бу юмушлар кўпайса келинлар қамарбаста. Набиралар доимо дастёр. Ўғилларим ҳар куни эрталаб, кечқурун кириб, ҳол-аҳвол сўраб, нимаики керак бўлса ёрдам бериб туришади. Қолаверса, Анвар акам икковимиз ҳали куч-қувватдан қолганимиз йўқ. Пенсияга чиқиб, дам олиб юрибмиз. Ҳаракат қилсак, қонимиз юришади", деб жавоб бераман.

Тўртинчидан, биз қайнона-қайноталар набираларни тарбиялашда, уларга тўғри йўл кўрсатишда ҳам ёрдамимизни аямаслигимиз керак. Ахир уларнинг ота-онаси ёш, ҳаётий тажрибаси кам. Қолаверса, кўп вақти иш билан банд. Шунинг учун ҳам дадаси икковимиз билганларимизни набираларга ўргатишдан, уларни назорат қилиб туришдан ҳеч чарчамаймиз. Ўқишдан бўш пайтларида набиралар бизникида - кўз ўнгимизда бўлишади. Уларни ишга соламиз.

Хуллас, айтмоқчиман-ки, бағри кенглик, вақти келганда кечиримли бўлиш, меҳр кўрсатиш, тарбия масаласида зийрак яшаш - биз қайноналарнинг бурчимиз.

Гапнинг рости, мен бундай бағри кенгликни бир умр ота-онам, қайнота-қайнонам ва Жаҳон опамдан ўрганганман. Жаҳон опам билан ёнма-ён қўшнимиз, олти нафар келинлари бор. Қудалар билан ҳам, келинлар билан ҳам тил топишиб, аҳил-иноқ яшаяптилар. "Қудачилик - минг йилчилик, айланайлар, қудаларни ҳурмат қилсанг, келинларни ҳурмат қилган бўласан!"- дейдилар. Жуда тўғри айтадилар...

***Санобар опанинг ҳикоясини ҳавас билан тингладим. Ўғиллари, келинларининг гапларидан завқланамаи. Ҳа, бугун маҳалла- кўй, қўни-қўшнилар Санобар опа билан Анвар акага, Жаҳон опага таҳсинлар айтишади. Улардан ўрнак олишади.***

**Санъат МАҲМУДОВА**

# ОИЛАМ ҚУЁШИ

**Ўзинг бўлгин болаларга бош,
Қалбингда сўнмасин меҳрли қуёш.**

Хуршида, сен билан оилавий ҳаётга қадам қўйганимизга ҳам ҳадемай 40 йил тўлади.

Эсингдами ўша биринчи танишувимиз, бир-биримизга гапиролмай қизаришлар, оҳу боласига ўхшаб ҳуркиб туришлар...

Сенинг Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида ўқиб юрган кезларингни кўз олдимга келтирар эканман, метин ироданга, сабру бардошингга тасаннолар ўқигим келади: бир ёқда вояга етмаган катта-кичик фарзандинг, бир ёқда кекса касалманд онам, бир ёқда мактаб ишларинг. Кечаси соат иккиларгача дарс қилар эдинг, эрталаб улгуролмайман деб, ҳовлини чиннидек супириб-сидириб, сув сепиб қўярдинг.

**Фақат сизга аталган сўзим**

Эрталаб саҳарда туриб болаларни кийинтирардинг, чойларини ичириб мактабга кузатардинг, онамга нонушта тайёрлардинг. Ўзинг эса бир пиёла чой ичишга вақт тополмасдинг.

Эсимда, иккимиз ҳам давлат хизматчиси эдик. Колхозда боғимиз бўлар эди, даламиз ҳам бор эди. Болаларимиз ҳали ёш, қўлидан иш келмас эди. Ҳамма ширин уйқуда ётганида иккимиз саҳарда туриб, тонггача далада меҳнат қилар эдик. Яна ҳамма қатори ишга барвақт борар эдик.

Гоҳида ҳайрон қоламан: қаердан олганмиз шунча куч-қувватни, сабр-бардошни...

Мана ҳаммаси ортда қолди. Келинларинг иззатида, набираларинг қуршовида кун кечирмоқдасан.

Ҳаётимда умр йўлдош танлашда янглишмадим. Рўзғор аталмиш оғир юкни баробар кўтаришдинг. Ёш авлод тарбиясидек жуда машаққатли, аммо шарафли иш учун тер тўкдинг, ҳалол меҳнат қилдинг, икки ўғил, беш қизни тарбиялаб, ўқитиб улғайтиришда, уйли-жойли қилишда меҳнатларинг беқиёс. Мана ўн саккизта бир-биридан ширин набираларнинг бувиси бўлдинг.

Оллоҳдан сўрайман, шояд жаннати бўлган бўлсанг, ахир беш қизни уйли-жойли қилдинг-ку. Иккита бир-биридан гўзал келинларга қайнона бўлдинг. Ўтган қувончли ва ташвишли кунларимни ўйлар эканман, сабр-бардошингга, ақл-заковатингга тан бермасдан иложим йўқ. Балки, хонадонимиздаги тўкинсочинлик, хотиржамлик, аҳиллик, бир-бирига меҳрибонлик, одоб ва ахлоқ Сенинг хизматларинг, сабр-бардошинг, мустаҳкам ироданг эвазига Оллоҳ томонидан берилган мукофот бўлса, не ажаб!

Оллоҳ бизга тўрт мучамизни соғ қилиб, болаларимизнинг роҳатини кўришни насиб этсин.

**Қурбонбой ҚАЮМОВ**
**Тошкент тумани, Чувалачи қишлоғи**



# СИЗНИ СОҒИНИБ ЯШАЙМАН

...Ўшанда қиш фасли эди. Ҳамма нарсадан ҳафсалам пир бўлиб илмий ишларим ва бемор болаларни даволаш билан овора эдим. Шундай кунларнинг бирида ҳамкасб дугонам: "Биз сени турмушга бермоқчимиз",- деди. Бунга жавобан мен мийиғимда кулиб: "Энди мен учун турмуш қуришга кеч бўлди", дедим-да ишга берилиб кетдим. У эса менга қараб: "Ҳазил эмас, айтилган гап — отилган ўқ, дейдилар. Сўздан қайтиш йўқ",- деди. Унинг бу нияти кунлар ўтиб ижобат бўлди.

1993 йил фаслларнинг энг гўзали — мафтункор май ойининг охирларида Азимжон Каримов билан тўйимиз бўлди. У киши мен кутганимдан ҳам зиёда ақлли, меҳрибон, оилапарвар экан. Азимжон ака кўпни кўрган, кўнгли пок, ўта маданиятли, аёлларга жуда эътиборли инсон эди. Қўлидан келадиган яхшиликни бировдан канда қилмасди. Айниқса, қўли сал калтароқ одамлардан ёрдамларини аямасди. У кишига мурожаат қилиб, қуруқ қайтган инсонларни эслай олмайман.

Оиланинг бутун ташвишини ўз зиммасига оларди. Буни у ўз эркаклик бурчи деб тушунарди. Айниқса, ўғлимиз Шоҳрухмирзо туғилгач, унинг бизга нисбатан ғамхўрлиги, меҳрибончилиги юз чандон ортиб кетди. Унинг тасаввурида оила — қувонч қўрғони эди.

Биз ўзимизга бахтдан тахт яратардик. Хонадондаги роҳатбахш юмушлар тонг саҳардан бошланарди. Мен ҳовлиларни супуриб, сув сепиб, чой дамлаб, нонушта тайёрлагунимча ота-бола бозор қилиб келишарди. Уйимиздан меҳмон аримасди. Яна бир томони Азимжон ака бору йўққа бир хил қарарди. Иши тушганлар уйга ҳам келаверарди. У киши эса уларни очиқ чеҳра билан қабул қилар, қўлидан келган ёрдамини аямасди. Неча-неча одамларга ўз ҳисобидан тўй ҳам қилиб берди. Айниқса, етим-есирлар бошини кўпроқ силарди.

Мен узоқ Хоразмдан Андижонга келин бўлиб тушганлигим учун ҳаммадан кўпроқ унга суяниб қолган эдим. У киши мен учун катта тоғ эди. Барча қариндош-уруғларимнинг ўрнини босарди.

Азимжон акам тирик бўлганларида 55 ёшга тўлардилар. Афсус! Минг афсус! Бундай бағри дарё одамни Худойим менга кўп кўрди. Юрагим бир умрга яраланди. Уни кўпинча орқаворотдан Азим дарё дейишарди. Биз ҳам ана шу Азим дарёнинг ирмоқлари бўлиб яшаймиз.

**Севарахон КАРИМОВА,**
**тиббиёт фанлари номзоди**
**Андижон**

*Хотира — муқаддас*

# ТОПИЛМАС ГАВҲАРИМ

**Волидаи мухтарамам Норбиби САФАРОВАНИ ёдлаб**

Мунисгинам, сиз отам раҳматли билан умргузаронлик қилиб, биз 7 нафар фарзандни вояга етказдингиз. 3 ўғилни уйлантириб, 4 қизни уйли-жойли қилишда сизнинг ўрнингиз, меҳнатингиз чексиз эди. Келинларингизни ўз қизингиздай кўриб, уларга ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмадингиз, хокисоргинам Онажоним.

Сизнинг меҳнатингиз зое кетгани йўқ. Биз опа-сингиллар тинч-тотув яшаб, турмуш кечириб келмоқдамиз.

Онажон, сиз бизга ростгўйликни, ҳалолликни, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлишни ўргатдингиз. Мана шу нарсаларга амал қилиб кам бўлганимиз йўқ, худога шукр, ҳамма нарсамиз бор, лекин сизнинг меҳрингизга зормиз, Онажон.

Биз фарзандларни оғир даврларда не-не машаққатлар билан вояга етказиб, айни ҳузур-ҳаловатимизни кўраман деганингизда 67 ёшингизда бешафқат ажал сизни олиб кетди.

Ана шу бизнинг юрагимизда армон бўлиб қолди. Онажоним, сизнинг ширин сўзларингизни, камтар инсон бўлганлигингизни ҳар куни бир эслаймиз.

Топилмас дуру-гавҳарим Онажоним, қабрингиз нурларга тўлсин, кўпнинг дуоси ижобат бўлиб, жойингиз жаннатда бўлсин.

**Қизлари номидан**
**Мавжуда МУҚИМОВА**
**Навоий вилояти,**
**Нурота тумани**

# СИЗ ҲАЛИ ҒУНЧАСИЗ...

- Ҳеч ким мени тушунишни хоҳламайди. Ҳатто энг яқин дугонам ҳам менга қарши. Онамга айтишга қўрқаман,- дейди телефонда сўзлаётган қиз.

**- Тушунтириб гапирингчи, дугонангиз бекорга қарши бўлмаётгандир?**

- Ёшим 18 да. Оилали йигитни яхши кўриб қолдим. Унинг ёши 30 да. 2 та фарзанди ҳам бор.

**- Кўра била туриб ўзингизни чўққа урибсиз-да?**

- У киши бизникига келиб-кетиб юрарди. Бирда тақдиридан нолиб гапириб берди. Ота-онаси зўрлаб уйлантиргани учун, хотинига кўнгли йўқ экан. Унинг устига хотини ўта рашкчи, кунда бир жанжал чиқараркан. Бошда унга раҳмим келди. Кейинчалик, унинг ғамгин кўзлари кўз ўнгимдан кетмайдиган бўлди. Раҳм-шафқатим муҳаббатга айланди. Яқинда бир қариндошимизнинг тўйига у ҳам келган эди. Озроқ ичиб олгани учунми, мени севиб қолганини тан олиб: "Хотиним билан ажрашаман, уй-жойимни ҳам унга бериб, бошқа уй олиб сизга уйланаман",- деб айтди. Шундан бери муҳаббат ўти ичу-бағримни куйдиради.

**- Кечирасиз синглим, гапингизни бўламан. Унга раҳм-шафқат қиламан деб яхши кўриб қолдим, дейсиз. Ўша раҳм-шафқатнинг ярмини унинг иккита норасида гўдагига ҳам улашганингизда муҳаббат ўтида ёнмай, у билан ака-сингил бўлган бўлардингиз. Унга туганмас бахт ҳадя этмоқчи бўляпсиз, аммо ўз қонидан пайдо бўлган фарзандларининг келажагини ўйламаган инсон сизга вафо қилармикан? Ажралиб келиб, сизга уйланмоқчи бўлаяпти. Ҳали ота-онангиз нима дейди, буни Худо билади. Сиз ҳам, у ҳам хаёлот осмонида учмай ерга тушиб, ён-вериларингизга қарасаларингиз яхши бўларди. Тенгдошларингизнинг кўзига қандай қарайсиз? "Бирор айби бордир, хотин қўйганга турмушга чиқаяпти", дейишмайдими? Сиз ҳали очилмаган ғунчасиз. У эса аллақачон очилиб, ким билсин неча бир димоқни хушбўй ҳиди билан сархуш қилган бир гул. Кўнглингизга малол келмасину, дугонангизнинг куйинганича бор экан. Ҳали ҳам кеч эмас, ўзингизни қўлга олишга ҳаракат қилинг. Тўғри, бошда қийин бўлади. Ҳафталар , ойлар ўтиб кўникиб кетасиз. Ўзи нима иш билан шуғулланасиз?**

- Олийгоҳда ўқийман.

**- Жуда яхши, юзлаб эс-ҳушли, чиройли, сизнинг ёшингизга мос йигитлар ичида юрибсизу, оилали эркакка ишқингиз тушганига ҳайронман.**

- Э, улар кўзимга ёш боладай бўлиб кўринади. Қилиқлари ҳам бачкана. Менга ёқмайди.

**- Сизчи, сиз ҳам ҳали ёш бола бўлмай нимасиз? Болалигингиз учун ҳам адашгансиз-да. Менинг гапларимдан хафа бўлмадингизми?**

- Йўғе, мени ўйлантириб қўйдингиз.

**- Яхшилаб ўйланг синглим, 3-4 кундан кейин яна қўнғироқ қилиб, нима қарорга келганингизни албатта айтинг.**

**Лола АҲМЕДОВА**

# КЕННОЙИЖОН, СИЗНИ ЯХШИ КЎРАМАН!

Қўнғироқ қилган қизчанинг овози жуда ёқимли эди. У ҳаяжон ва қувонч билан гапирарди.

- Исмим Умида, фамилиям Абдуазимова, Ҳасанбой қишлоғидаги А.Икромов номли 9-мактабнинг 7- синфида ўқийман. Сизларга ўзимнинг ажойиб кеннойим ҳақида гапириб бермоқчи эдим.

Кеннойим чиройли, меҳрибон, ниҳоятда доно-ю, зийрак. Мен у кишидан рўзғор ишларини ўрганаяпман.

Аслида Жаҳонгир амакимнинг тўйи бўлганида мен қувониб кетгандим. Тўй куни кеннойимнинг гўзаллигини ҳамма мақтаганида у билан фахрланганман. Кейин билсам, кўнгли ҳам чеҳрасидек чиройли экан. Бизнинг оиламизда мендан кейин уч нафар укаларим ҳам бор. Кеннойим эса бизнинг ҳаммамизни яхши кўриб, бағриларига босиб, юзларимиздан ўпарди. Сўзлари шириндан-ширин эди. Кейин кеннойим менга: "Умидахон, сиз ҳадемай катта бўлиб қоласиз.Келинг, бирга овқат пиширамиз. Сиз тезда ўрганиб оласиз. Яна тикиш-бичишларни, турли пишириқларни ҳам ўргатаман",- деди. Мана ҳозир ҳамма нарсани ўрганиб олдим. Кеннойим фарзанд кўрди. Кеннойимнинг боласини суюб кўтариб юраман.

**- Умида, кеннойинг бизнинг газетамизни ўқийдими?**

- Ҳа, ҳар бир сонини ўқийди. Мен у кишининг хурсанд бўлишини жуда истаганим учун сизларга қўнғироқ қилаяпман. Агар газетада сўзларим чиқса, кутилмаган совға бўлар эди-да.

**- Яна нималарни айтмоқчисан?**

- Биласизми, очиғи ҳаяжонланаяпман-да. Қўлимда кеннойимнинг боласини ҳам кўтариб турибман. Қанийди, ҳамма кеннойилар ҳам Насиба кеннойимдек бўлишса...Оиламизда у киши бўлмаган кунларда файз ҳам қолмагандек туюлади менга. Баъзи қизлар кеннойилари ҳақида ёмон гапиришса жаҳлим чиқади. Чунки, яхши гап эшитишни истаган қизларнинг ўзи аввало яхши бўлиши керак, шундай эмасми? Мен Жаҳонгир амакимбилан Насиба кеннойимнинг узоқ умр кўришларини, бахтли бўлишларини истайман. Келгусида ўзим ҳам улар каби пазанда, чевар бўлишни орзу қиламан. Буларнинг рўёбга чиқишида ҳам кеннойимнинг ҳиссаси катта бўлади...

***Бизнинг ҳузуримизга келганлар орасида кўп келинчаклар оилаларининг бузилиб кетишларига қайнсингиллари сабабчи бўлаётганликларини, агар улар бўлишмаса эру- хотин жуда бахтли яшашлари мумкинлигини айтишарди. Умидахон эса ўзининг севимли кеннойиси билан фахрланишини айтаяпти.***

***Демак, яхши сўз, муомала, қолаверса гўзаллик билан ҳам яхшилик уруғини сочса бўлар экан. Насибахоннинг ота-онаси ҳам қизларини ана шундай тарбиялашганлиги кўриниб турибди. Уларнинг энг катта бахти ҳам шунда. Илоё юртимизнинг ҳар бир хонадонига Насибахондек келинлар кириб келсин...***

**М. КАРИМОВА**

*Чоршанбадан чоршанбагача — Қўнғироқларингиз, мактубларингиз...*

# МЕНИНГ КЎНГЛИМ БОШҚАДА...

- Менга маслаҳат бера оласизми, опажон?- дея сўз бошлади қўнғироқ қилиб, ўзини Адиба деб таништирган қиз.

**- Нима бўлди синглим, қани гапиринг-чи?- дея сўрадим ундан.**

- Маҳалламизда Музаффар исмли йигит яшайди. У билан битта мактабда ўқиганмиз. Ўша бола икки йилдан бери ҳоли-жонимга қўймайди. Хат ёзади, телефон қилади. "Сени яхши кўраман, сенсиз яшай олмайман, сендан бошқани демайман",- дейди... Ўқишга бораётганимда ҳам, қайтаётганимда ҳам мени кузатгани-кузатган.

**- Сиз-чи, сизнинг унга муносабатингиз қандай?**

- Мен... Мен Бахтиёр исмли курсдошимга кўнгил қўйганман. У самарқандлик.

**- Музаффарга севган йигитингиз борлигини айтмаганмисиз?**

- Йўлимни тўсган пайтлари, беҳуда уринаётганини, аҳду паймон қилган йигитим борлигини кўп айтганман. Ундан ташқари, мени Бахтиёр билан бирга кўп кўрган. Шундай бўлса-да орқамдан юришини канда қилмайди. Бироқ, Бахтиёр Музаффар ҳақида ҳеч нарса билмайди. Чунки рашкчироқ, унинг кўнглига ғулғула солишни истамайман.

Баъзан Музаффар севган йигитимнинг олдига бориб мени севишини айтишидан, уни айнитишга ҳаракат қилишидан чўчирдим. Лекин у шу пайтгача бундай ишни қилгани йўқ. Шундай бўлса-да, ҳар сафар менга рўпара келган вақтида: "Бахтиёр ўзининг қишлоғига кетади, сен барибир менга насиб қиласан. Сени қанча бўлса ҳам кутаман. Мени яхши кўриб қолишингга умид қилиб яшайвераман",- дейишини канда қилмайди. Мен унинг бу сўзларидан хавотирга тушмайман. Чунки Бахтиёрга ишонаман-да. У мен орзу қилган йигит. Музаффарни ёмон демоқчи эмасман. Бироқ кўнгил иши қийин экан-да. Биласизми опа, уч-тўрт кун олдин Музаффарнинг бир дўсти келиб, уни касалхонада оғир ётганини айтди.

**- Нима бўлибди?**

- У қурилишда ишлар эди. Бетондан йиқилиб, умуртқа поғонаси лат ебди. Ҳозир аҳволи анча ёмон эмиш. Бир дўстидан хат жўнатибди. Унда мени бир келиб кетишимни ўтиниб сўраган. Ҳозир унга кераклигимни таъкидлаб, "севмасанг ҳам кел" деб ёзибди.

**- Балки сизни синаётгандир?**

- Аввалига мен ҳам шундай деб ўйладим. Лекин бир дугонам ўша шифохонада ҳамшира бўлиб ишлайди. Ростдан ҳам Музаффар касалхонада экан. Музаффарнинг ота-оналари, қариндошлари ҳар куни ўша ерда эмиш.

Ўйланиб қолдим. Борсам қандай бўлар экан? Музаффарни умидвор қилиб қўймасмиканман? Бахтиёр эшитса нима дейди? Бормасам... Бир томондан унга раҳмим ҳам келаяпти. Нима қилсам экан?..

***- Синглим, ҳақиқий муҳаббатга дучор бўлган инсоннинг кўнглида ёмонлик бўлмайди. Бахтиёр ростдан ҳам сизни севса ҳаммасига тушунади. Унга бор гапни рўй-рост айтинг. Ўртада сир бўлмагани яхши-да. Иложи бўлса, Музаффарнинг олдига у билан бирга боринг. Шундай оғир паллада сиз унга керак экансиз, демак у сизни чиндан ҳам яхши кўради. Боришингиз Музаффар учун қайсидир маънода кўнгилга оғир ботмайдиган узил-кесил жавоб ҳам бўлади. Иложи борича унинг дилини оғритмасликка ҳаракат қилсангиз, у билан бир умрга дўст бўлиб кетишингизни айтсангиз, далда берсангиз, чин инсонлик вазифасини бажарган бўласиз. Чунки ҳозир кўпроқ Музаффарга оғир... Севиб севилмаслик — кўпчилик ошиқларнинг пешонасида бор нарса. Инсонга ирода ана шу зарбани енгиш учун берилгандир балки...***

**Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА**

# МУРУВВАТИМИЗНИ ДАРИҒ ТУТМАЙЛИК

Бир пайтлар шинамгина уйим, яхшигина обрў эътиборим бор бўлиб, турмушимдан мамнун эдим. Лекин инсон йиллар ўтгач, бошига не савдолар тушишини билмас экан. Фалакнинг гардиши мени бир айлантирганди, чир айланиб ботқоқликка муккам билан йиқилиб тушдим. Бошимга дунёнинг оғир савдолари тушди...

Яхшигина яшаб юрган кунларимнинг бирида тожикистонлик бир киши билан танишиб қолдим. У менга уйланиб, уйимга ичкуёв бўлиб кирди. Уйимни соттиришга мени кўндирди. Хуллас, у билан Душанбега жўнаб кетдик. Аслида у гиёҳванд моддаларини сотиш билан шуғулланаркан. Мени ҳам шу йўлга бошлади. Кўза кунда эмас, кунида синиб охири қўлга тушдим. Мен етти йилга қамалиб кетдим. У бўлса сувдан қуруқ чиқиб кетди. Илтижо қилиб ёзган хатларимга жавоб ҳам ёзмади. Мана, озодликка чиққанимга ҳам тўққиз ой бўлди. Саккиз ой ҳар қаёқларда уйсиз қийналиб сиғинди бўлиб юрдим. Бунинг устига бирор ҳужжатим ҳам йўқ. Ўн ой Тожикистонда рўйхатдан ўтиб яшаган бўлсам-да, у ерда фуқароликка ўтмаганимдан паспорт ололмадим. Ҳозир бир ойдан буён яхши одамларнинг ёрдами билан ётоқхонада жойлашиб шу ерда яшаяпман. Шукр, энди бошимда бошпанам бор. Аммо, соғлиғимдан айрилганман, иккинчи гуруҳ ногирониман. Болаларим ҳам йўқ. Жуда чиройли ва ақлли бир қизим бор эди. У туҳмат гап учун ўз жонига қасд қилганди. Агар у тирик бўлганида эҳтимол мен бунчалик хор бўлмасмидим. 52 ёшдаман. Минг афсуски, умр деб аталмиш неъматни шунчалик бесамар ўтказдим. Бироқ бошимга тушган фалокатларга ўзимгина айбдорман. Энди эса мени кексаликнинг бешафқат ташвишлари, танҳолик ва ночорлик кутаяпти. Агар ётиб қолсам бир пиёла сув тутадиганим ҳам йўқ. Мен ёлғизликдан қўрқаман. Кўнглидарё юртдошларимиз орасида менга ҳамдард бўлгувчи, бир онасидек, бир опасидек кўриб ҳолимни сўрагувчилар топилса эди...

**Зуҳра ХИСОМОВА**

**Жиззах шаҳри,**
**"Ёшлик" маҳалласи,**
**3/2 микрорайон, 2-ётоқхона**

* * *

Оиламизда ўн бир жонмиз. 80 ёшли қайнота-қайнонам, олти нафар фарзандим, набирам бизнинг қарамоғимизда яшайди. "Давлат келса ҳам қўш келади, дард келса ҳам қўш келади",- дейишгани рост экан. Мен касал бўлиб қолдим-у... Оиламизнинг уқубатли кунлари шундан кейин бошланди. Мен иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Кейин икки фарзандим дардга чалинишди. Яна бир фарзандимга камқонлик ташхиси қўйилди. Энди уни ҳарбий хизматга ҳам олишмасмиш. Тўртинчи фарзандим эса иккала буйраги, талоғи оғриб ётиб қолди. Уларни даволатишим учун имкониятим йўқ. Жондан азиз болаларимнинг кўз олдимда сўлиб бораётганини кўриб ўзимни қўярга жой топа олмайман. Ўйлай-ўйлай ўзим севиб ўқийдиган шу газета орқали юртдошларимизга мурожаат этишга қарор қилдим. Оллоҳ ишларининг ривожини бераётган инсонлар бўлса, фарзандларимнинг даволаниши учун балки бирор ёрдам беришар, дея умид қилдим.

**Роза ШОМУРОДОВА**

**Хоразм вилояти,**
**Гурлан тумани,**
**Алишер Навоий ширкат хўжалиги**

* * *

Азизлар! Ҳадисларда "Савоб ишни ҳамма қилиши керак, ҳар куни қилиш керак",- деб таъкидланган. Бир ғарибнинг кўнглини олиш етти мачит қуриш билан тенг экан. Юртимизда иқтисоди кун сайин равнақ топаётган мурувватли инсонлар кўп. "Буғдой нонинг бўлмаса, буғдой сўзинг бўлсин", деган мақол бор. Зеро, савобли дунёда қўлингдан келганча савоб иш қилиб яшаганга не етсин... Шу муносабат билан кўп сонли мухлисларимизнинг мактубларини, қўнғироқларини кутиб қоламиз.

**БАСИРА**

***Балки ҳаётда мени суяб турган нарса шу муҳаббатдир...***

# ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАВЕРАР ЭКАН...

**Дил изҳори**



Ассалому алайкум менинг дардкашим, нафақат дардкашим, балки халоскорим "Оила ва жамият". Ҳа, ҳа ишонавер, сен менинг халоскоримсан. Менинг ҳаётга қайтишимга сен сабабчи бўлдинг. Кўзларим очилди. "Мен албатта яшашим керак",- деган сўнгги иқрорга сен туфайли келдим.

Мана 6 ой бўлдики сенинг ҳар бир сонинг менинг қўлимда. Сени илк бор ўқиганимда 15-16 ёшли қизалоқ эдим. Шунга ҳам 8-9 йил бўлибди. Бу йиллар мобайнида ғариб бошим нималарни бошдан кечирмади, дейсан. Баъзида сени қўлга олиб ўқишнинг ҳам имкони йўқ эди менда. Шукрки, мана яна сени ўқимоқдаман. Ҳар бир сонинг дардимга малҳамдек гўё. Қўлимга қоғоз-қалам олишга ундаган сабаб юрагимга сен бағишлаган куч ва матонат бўлди. Шу пайтгача ҳеч кимга дардимни тўкиб солмаганман. Сенга эса сўнгги умид ва илинж билан хат ёзмоқдаман. Зора саҳифаларингнинг бирида мендек тақдир дея аталмиш чархпалакнинг оғир синовларига зўр чидам билан дош бериб келаётган бир мухлисангнинг дил изҳори босилиб чиқсаю, ҳаётда ҳали мен учратмаган яхши инсонлар борлигига ишонч ҳосил қилсам. Уларнинг йўл-йўриқлари юрагимга далда бўлса, икки норасида гўдагим ҳаққи яшашим керак, деган ишонч ва куч бағишласа деган умиддаман.

Ёшим 25 да. Ота-онамнинг тўнғич фарзандиман. Ота-онам севишиб турмуш қуришган. Арзимаган сабаб билан мен 2 ёшли қизалоқлигимда ажрашишган. Онам укамга 3 ойлик ҳомиладор бўлган ўша пайтда. Биз онамнинг ота-онасиникида улғая бошладик. Бувим ва бобом жуда меҳрибон эдилар. Мен жуда эрка, айтганини қилдирадиган, қайсар ва ўжар қиз эдим. Мактабда аъло баҳоларга ўқирдим. Ҳамма мени ҳурмат қиларди. Мен учун ҳамма нарса етарли эди-ю, фақат... Ота меҳри етмасди. Дадалар ҳақида гап кетиши билан ичимдан бир нима узилгандек бўлар, худдики дадамнинг йўқлиги менинг айбимдек, ерга тикилар эдим. Сўзамол эдиму, фақат: "Кимнинг қизисан?"- деган саволга жавоб қайтара олмай жим қолар эдим. Мен ҳамма борада биринчи бўлишга интилардим ва бунга эришардим ҳам. Дадам туфайлигина жажжи юрагим эзилар, буни ҳеч кимга, айниқса онамга билдирмасликка ҳаракат қилардим.

Каникулда укам иккаламизни дадамларникига олиб борардилар, лекин мен дадамдан жуда-жуда қўрқардим. Дадам олий маълумотли бўлишига қарамай оиласи бузилганидан сўнг, ҳеч қаерда ишламай қўйган, ўзига ҳам қарамай уйдан чиқмайдиган бўлиб қолган, одамлар уларни девонага чиқариб қўйишган экан. Дадам онамни қаттиқ севар, ўшанда маст ҳолатда онам уйда йўқлиги учун "талоқ" деб юборган экан. Дадам билан онамни яраштиришга жуда кўп ҳаракат қилишган. Аммо опоқим, яъни дадамнинг дадалари сен ҳам бошқа уйлан, хотининг ҳам, бошқага тегсин, сўнгра ярашасан, бўлмаса йўл йўқ деб туриб олганлар.

Онам ҳам дадамни севардилар. Бизга бирор маротаба бўлсин дадам ҳақида ёмон гап айтмаганлар. Лекин барибир меҳр кўзда дейишади-ку, дадамга нисбатан меҳрсиз эдим. Ич-ичимдан эса ота-онам ярашишларини жуда-жуда истар, буни яратгандан чин дилдан сўрар эдим. Синфдошларим ҳам оила мавзусида мен билан жуда эҳтиёт бўлиб гаплашишар эди. Аммо 9-синфдалигимизда янги келган бола менга дадамни таъна қилди. Унинг: "Бир дадани эплолмаган сенга гапни ким қўйибди",- дегани менга жуда қаттиқ таъсир қилган эди. Шу гапдан сўнг бир ҳафта мактабга бормаганим ҳали-ҳануз эсимда. 10-синфга ўтганимда менинг армоним ушалди, яъни ота-онам ярашишди. Опоқим вафотидан олдин дадамга оиласини тиклашни васият қилиб оламдан ўтди. Онам эса оғир меҳнат қилавериб жигари оғрийдиган бўлиб қолганди.

Онам бобомга энди вақт ўтганини, фарзандлари катта бўлиб қолганини, ярашишнинг ҳожати йўқлигини айтди. Бобом эса охиратинг куяди, деб туриб олдилар. Онамнинг юраги ўшанда кейинги кўргиликларни сезган экан...

Биз дадамнинг уйида яшай бошладик. Қадрдон синфдошларимни, сирдош дугоналаримни ҳам, ва энг муҳими, илк ва чин муҳаббатимни ташлаб бошқа мактабга ўтишга мажбур бўлдим. Янги мактаб ҳам ёмон эмас эди-ю, аммо мен кўниколмай қийналдим. Айниқса янги оилага. Оиламиз тикланганидан, энди менинг ҳам дадам бор, дея жуда бахтиёр эдим ўшанда.

Лекин минг афсуски, менинг беғубор болалигиму, қувноқ, шодон кунларим якун топганди гўё. Дадамни уйига келганману, лекин бир неча ёшга улғайиб қолгандек эдим. Уйдаги ҳамма ишларни бажарар, дадамнинг кўзига кўринишдан жуда қўрқар эдим.Мендан ҳам онамга қийин эди. Онам учун ҳамма нарса маън этилган, ота-онасини бориб кўриш тугул, ҳаттоки қўни-қўшнисиникига киришга ҳам рухсат йўқ эди. Онам ҳаммасига кўндилар, чунки орқага энди йўл йўқ эди. Лекин дадам илгари онам севган инсон эмас, бутунлай ўзгариб кетган экан. Уйда тинимсиз жанжал, ҳатто менинг кўз олдимда онамни калтаклардилар. Онамга ўз ҳукмини ўтказган дадам энди менга осила бошлади. Мен ҳам мактабни йиғиштириб уйда ўтиришим кераклигини айтиб бақирар, мен эса йиғлаб-йиғлаб мактабга кетаверар эдим. Шундай кунларнинг бирида мактабдан келсам, дадам онамни ураётган экан. Югуриб бориб онамни дадамнинг қўлидан ажратиб: "Онамни уришга ҳаққингиз йўқ", дедим. Шунда дадам шунақа ҳақоратли сўзлар билан сўкдиларки, азойи баданим қалтираб кетди. Югурганимча эшик томон чопиб боряпману ортимдан айтилган "Ортиқ қорангни кўрмай, э , бўйингни...", деган сўзларини эшитдим. Шу кетганимча бувимникига бордим. Бир умр орзиқиб кутган дадажонимдан кўрганларим қанийди шу ерда тугаса. Минг афсуски, ҳаммаси энди бошланганди. Шундай қилиб бобомникида яшай бошладим. Ўшанда 11-синфга ўтган эдим. Шунча воқеадан сўнг ўрнимда бошқа қиз бўлса нима қиларди, билмадиму, аммо бу воқеалар менинг иродамни бука олмади. Олдимга аниқ мақсад қўйдим: "Мен албатта ўқишга кириб катта одам бўламан, онамни, укаларимни бу ердан олиб кетаман, бу йўлда ҳеч нима, ҳатто қиз болалигим ҳам тўсиқ бўлолмайди!.. Бунинг учун эса ўқиш керак эди. 11-синфда мустақил шуғуллана бошладим. Чунки эски мактабимга қайтиб боришга уялдим. Дадам ҳайдаб юборганини билиб қолишлари мен учун ўлим билан баробар эди. Айниқса, мен чин дилдан севган йигитни, буни билишини истамасдим. Шу зайлда бир ойча бувимникида яшадим. Бир куни бувимникига амаким (дадамнинг акалари) келиб қолди. Мен амакимни худди дадамдек яхши кўрардим. Чунки бобом билан дадамникига борганимизда ҳаммадан ҳам амаким хурсанд бўлиб кетарди, менга жуда меҳрибон эди. Уларнинг фарзандлари йўқлиги сабабли, мени ўз қизидек яхши кўрар эди. Дадам эса шу амакимникига киришга ҳам рухсат бермасди. Хуллас, амаким мени олиб кетгани келганини айтди. "Катта амакингнинг ўғли уйланяпти, тўйга Охун келади. Сен Охунни яхши кўрардингку, шунинг учун сени олиб кетгани келдим",- деди. "Кейин мактабингдан сўраб келишди", дея қўшиб ҳам қўйди. Майли, амакимларникида яшаб, мактабни битириб оламан, ахир менга аттестат керакку", деган фикр келди кўнглимга. Шундай қилиб, амакимнинг уйида яшаб, ўқий бошладим. Агарда 4 баҳо олсам ўша куни ухлай олмасдим. Ўша баҳони беш қилмагунча кўнглим тинчимасди. Сенинг илк сонларингни, яъни "Оила ва жамият" газетасини шу амаким ҳар гал олиб келар ва менга берарди. Мен уларни тўплардим. Бир куни ўқиб ўтирганимда дадам девордан мўралаб, мени роса сўкди. Амаким билан дадам қўшни бўлиб, ўртада пастакроқ девор бор эди. Қўрққанимдан рангим оқариб кетди. Қаёққа қочишни билмай қолдим. Менинг бу ердалигимдан хабар топган дадам, атайин девор оша қараган экан. Амаким эътибор бермаслигимни, бемалол мактабга бориб келиб юришимни тайинлади. Аммо юрагимни бутунлай қўрқув эгаллаганди. Ҳовлида бемалол юра олмас эдим. Бўйим новчалигидан дадам кўриб қолмасин, деб энкайиб юрардим. Мени яна бир нарса қийнарди. Дадамнинг уйидан чиққанимга 6 ой ўтган бўлса, онамни кўрмаганимга ҳам 6 ой бўлганди. Меҳрибон онажонимни жуда соғинган эдим. Аммо бир девор орқасида туриб ўз онамни кўра олмасдим. Мен ҳаммасини ичимга ютиб яна ўқишга берилдим. 11-синфни ҳам битиришга 2 ой вақт қолди. Илк баҳор нафаси кезган айни Наврўз кунлари эди ўшанда. Дугоналарим Наврўзни нишонлаб, сумалак пиширамиз, деб айтгани келишди. Амаким менга рухсат берди. Қанчалар севингандим ўшанда. Лекин ўша кун мен учун энг армонли кун бўлиб ёдимда қолди. Мен севган йигитимнинг севгисини рад этдим. Биз деярли бир-биримизни сўзсиз тушунар эдик. Аммо бирор марта севги тўғрисида гаплашмаган эдик. Ўша куни эса унинг илк юрак изҳорини кескин рад этдим. Унга бутунлай бефарқлик кўрсатдим. Чунки шундай қилишга мажбур эдим. Юрагим беғубор ва соф муҳаббатга тўла бўлса ҳам, дард ва алам уни кемириб бораётгандек эди. Бу аламлар оиламиз туфайли эди. «Мен сенга муносиб эмасман, сенга шундай қиз лойиқки, у ҳамма қадрлайдиган, яқинлари ардоғидаги қиз бўлсин, у сени бахтли қилади, сенинг бахтинг, сенинг бу дунёда борлигингнинг ўзи мен учун катта бахт...» Мен шундай қарорга келгандим. Ўшанда тўғри қилганманми ёки хатоми буни ҳалигача билмайман. Чунки уни ҳанузгача бир дамга бўлсин хаёлимдан чиқара олмайман. Балки ҳаётда мени суяб турган нарса шу муҳаббатдир...

1993 йил 25 май. Мана 11-синфни ҳам битиряпмиз. Аъло баҳоларга ўқиганим учун номим алоҳида зикр этилди. Шаҳодатнома бериладиган кечада директоримиз яна қўшиб қўйди: "Сен албатта ўқишинг керак, амакинг менга сени ўқишга киришингда ёрдам бераман", деб сўз берганди. Мен амакимни қистай бошладим. Амаким эса ҳар хил баҳоналар билан ўқишга киришимни орқага судрар эди. Мактабни битириш кечамизда бир синфдошим "Сизни Андижонга бериб қўйишибди, тўй қачон", деган эди. Мен буни ҳазил деб ўйладим. Амакимни ҳадеб қистайвергач (чунки шаҳарга бир ўзим ҳеч қачон бормагандим): «Қизим, сенда гапим бор,- деб қолдилар. - Сен менга ўз қизимдексан, аммо менинг сенда ҳаққим йўқ, сенинг даданг бор, сен дадангнинг айтганини қилишинг керак. Сен эсли қизсан, даданг сени Андижонга — аммангнинг қариндошига фотиҳа қилиб қўйди. Августда тўй...» Амаким гапиряптилару, рангим оқариб даҳшатдан қотиб қолдим. «Ахир нима учун, мен дадамга нима ёмонлик қилдим, нима учун мени ёмон кўрадилар, нега ёш умримни хазон қилмоқчилар, эндигина 16 га қадам қўйдим-ку...» Мен шу кундан бошлаб ҳеч ким билан гаплашмай фақат йиғлардим. Амакимнинг раҳми келди шекилли, бир куни кечқурун эрталаб ўқишга ҳужжат топширгани боришимизни айтди. Ўша куни туни билан ухламай тонгни кутгандим. Хуллас, университетга бордик. У ерда қабул тугаган экан. Саноат техникумига ҳужжатларимни топширдик. Амаким менга шарт қўйди: "Агар ўқишга киролсанг киролдинг, мабодо йиқилсанг, дадангнинг гапига кўнасан",- деди. Мен астойдил имтиҳонларга тайёрландим. Биринчи имтиҳон — она тилидан диктант эди. Хуллас, шу имтиҳондан йиқилдим. Мен бунга ишонмай диктантимни кўришни талаб қилдим. Рад жавобини олгач, бутунлай ҳаётдан ҳафсалам пир бўлди. Кейинчалик амаким тан олдики, у ерда бир таниши бўлиб мени йиқитишини сўраган экан. Энди мен учун ҳеч қандай нажот йўли қолмаганди. Сўнгги умидим онажонимни бир кўриш... Аммо онамни бир илож қилиб , чақириб кўрдиму, онамдан ҳам: "Нима бўлганда ҳам даданг, айтганини қилмасанг бўлмайди",- деган жавобни эшитдим. "Қочиб кетаман", миямга келган бу фикрдан суюниб кетдим. Нарсаларимни йиғиштириб, "Амаки, мен бувимникига кетдим, нима бўлганда ҳам мен сизни ўз дадамдек яхши кўраман",-дедим-да бувимникига кетдим. Бобом билан бувим мени болалигимдан меҳр билан катта қилишди. Аммо дадам уларни ҳам юз-хотир қилмай, ҳатто бир оғиз сўрамай, келган совчини ҳам сўраб-суриштирмай фотиҳа қилиб юбораверибди. Бобом бундан жуда хафа бўлдилар. Менинг аҳволимни кўриб, дадамнинг олдига бормоқчи, уни бу фикридан қайтармоқчи бўлдилар. Мен ўша куни бобом келгунларича дарвоза тагида кутиб ўтирдим. Бобом эса бошлари эгик ҳолда қайтиб келди. «Ўзини осадими, ёқадими менга барибир, қиз узатяпман, деб элга ош бераман, аммо мени айтганимни қилмаса, пес-моховбўлади...» Дадажонимнинг айтган гаплари шу бўлибди. "Онам, (бобом мени шундай чақирардилар) дадангизни айтганини қилинг",- дедилар маъюс. Мен тирик мурдага айлангандим гўё. Дадам учун мен бир буюм, хоҳлаган одамига сотиб юбориши мумкин эди. Наҳотки мусулмон одам ўз пуштикамаридан бўлган қизини шунчалар хўрласа. Дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди. Ўз жонимга қасд қилмоқчи бўлдим. Буни тоғамнинг хотини келинойим сезиб қолдилар. "Бундай қилсангиз қиз бола шаънига ёмон бўлади",- деб тушунтирдилар. Сўнг бобом ҳам узоқ насиҳат қилдилар. "Ўз жонига қасд қилиш иродасиз кишининг иши, у ўз охиратини куйдиради",- дедилар. Шундан сўнг бу йўлдан қайтдим. Аммо юрагимдаги аламли доғлар билан бирга ётган орзу мақсадлар ҳали сўнмаган эди. Мен охиригача курашишга қарор қилдим. Тўйга бир ҳафта қолганда иккита амаким машинада келиб қолишди. Мен қочиб кетдим.

***(Давоми бор.)***

**ЗУЛАЙҲО**

**Фарғона вилояти**

# ЎҒИРЛАНГАН КЕЛИН «ҚАЙТДИ»...



Ё алҳазар, бу дунёнинг ишлари жуда қизиқ-да. Яқиндагина Ҳалима хола кўчада мени учратиб қолиб: "Ҳой келин, қизимга бирорта тузукроқ куёв топсангчи, мана бу кўп қаватли биноларнинг ичида қиз борми, йўқми биров билади, биров билмайди",- дея нолиб қолдилар.

- Вой холажон, Намунахон эндигина 19 ёшга тўлди, шошмасангиз куёв бола ўз оёғи билан келади,- дея юпатдим. Ана шу учрашувдан сўнг орадан олти ой ўтиб Намунани бир қозоқ йигит опқочиб кетибди, деган гап тарқалди. (Қозоқ миллатига мансуб кишиларда қиз болани олиб қочиш ҳали ҳам одат тусидан тушмаган.) Бу гапларни эшитиб, ҳа яхши бўлибди дедиму, ўйланиб қолдим. Сабаби, Намуна ўта замонавий қиз бўлиб, қиш ойларида тор шим, ёзнинг иссиқ кунларида шортик кийиб юрар, унинг бундай юришига маҳалланинг деярли барча аёлу эркаги ўрганиб кетишганди. Уни олиб қочиб кетган йигит қишлоқда онаси билан яшар экан. Ёлғиз ўғил бўлгани учун онаси икки ёшга дабдабали тўй қилиб берди. Тўйга борган қизларнинг баъзилари Намунага ҳавасла боқишиб, "Келин-куёв бир-бирига жуда мос экан", дейишса, баъзилар "Намунанинг қайнонаси "чисто плотний" аёл экан",- дея лоф уришарди. Ҳай-ҳуй билан тўй ўтди-ю, кетди. Тўйдан оғизларга тушган конфетларнинг таъми эриб бўлгач, майда-чуйда гаплар бош кўтариб қолди. Эмишки, "маҳалланинг порошоги" лақабини олган қайнона Намунанинг шаҳарча қилиқларини ҳеч кўтара олмай, унга азоб бераётган эмиш. Кун бўйи уйқудан бош кўтармайдиган танноз келинга бу таъна-ю, дашномлар оғирлик қилиб онасиникига кетиб қолибди. Хуллас, у бўлди, бу бўлди барча ҳавас қилиб келган тўй орадан икки ой ҳам ўтмай "ўй" га айланди. Бир куни кўчада қўшни аёллар билан гурунглашиб турсам, қўлида икки дона тухум билан, битта музқаймоқ кўтариб яна ўша Ҳалима хола ўтиб қолди.

- Ҳа холажон, музқаймоқ ейдиган неварангиз йўқ эди-ку,- сўрадим қизиқиб.

- Вой келин, Намунамни кўч-кўрони билан уйимга опкелиб қўйдим. Болам бечорани "бурга бозор" га келин қилиб берган эканман. Уйидаги бургаларини йўқотиш учун нақ 20 минг сўмлик дори олиб бердим. У қирилгурлар ҳам худди қудамга ўхшаб бирам ёпишқоқ экан, ҳеч кетмайди дегин. Қизим бечорани бир кўрсанг эди. Овқат емаганидан озиб-тўзиб кетган, шунга тухум билан колбаса қовуриб берсам, ўзига сал келиб қолар девдим, уйга кирарсан",- дея ўтиб кетдилар. Намуна бургалар тугул, ўзини каламушларга ҳам хафа қилдириб қўядиган қиз эмас-ку, деган ўй хаёлимдан ўтди.

Куёв тўра маҳалламиз яқинидаги бир магазинда қоровул бўлиб ишлар, бечора аразчи хотинининг қовоғини очай деса, бургалари кўп ҳовлида яшовчи онаси хафа бўлади. Онасининг кўнглини олай деса, хотинини яхши кўради. Бир куни хотинининг кетиб қолганидан алам қилган куёв тушмагур онаси билан жанжаллашиб қолибди. "Агар хотинимни олиб келиб бермасангиз мана шу бургали уйларингизга ўт қўяман",- депти. Она бечора ҳайрону лол. Шунча йилдан буён барча аёлларнинг ҳавасини келтириб покиза яшайдиган аёлни келини тушмагур бир кечада "бурга бозор" га айлантириб кетди-қўйди. Кейинроқ эшитишимизча, воқеа аслида мана бундай бўлган экан. Ушбу хонадонда керилишиб, қанот кериб юрган бургалар куёв томонга мутлақо бегона бўлиб, улар келин томондан келишиб, шу ерда бола-чақа орттиришиб, оила қуриб кўпайишибди. Намунанинг беписандлиги, уй-рўзғор ашёларини кир-чир тутиши бургаларга қўл келиб, улар кундан-кунга кўпаяверган. Келини ва ўғлининг ҳар тонгда уйларидан "қичиниб" чиқишларини кўрган она бир куни Намуна онасиникига кетганида уйларига кириб, озгина қуёш тегсин деган мақсадда кўрпа-тўшакларни ҳовлига олиб чиқиб ёйиб қўйибди. Онасиникидан келиб ҳовлида офтобда ёйилиб ётган кўрпаларни кўрган келиннинг ранги ўчади. Мен йўқлигимда қайнонам уйга кирибди-да, деган фикр хаёлида чарх урган Намуна ҳовлини бошига кўтариб дод солибди. Қайнонасини ўғрига чиқарибди. Қизининг аянчли аҳволидан телефон орқали хабар топган онаси, икки овора бўлиб юрмай деб бира-тўла каттакон машина ҳам олиб келиб, Намунанинг сеп-сидирғасини олиб кетибди. У бўлди, бу бўлди ана шу бурга тушмагурлар икки ёшни бир-бирларидан ажратиб юборди.

Намуна онасиникига қайтиб келиб ҳам эски одатини канда қилмади. Эртадан кеч ойна олдида бўёқ-сўёқ қилиб ўтирса ўтирдики, бирон марта қўлига супурги олиб, уйларни йиғиштирай, келин ойимга ёрдам берай демади. Қайнсинглисининг танноз, ишёқмаслигидан безор бўлган Ҳалима холанинг кенжа келини ҳам онасиникига кетиб қолди. Хуллас, қаҳрамонимиз Ҳалима хола ўзининг қилиб қўйган хатосини тушуниб етди ва маҳалланинг иккита аёлига қизларини қўшиб қудасининг олдига жўнатди. Ношукур бургаларнинг аёвсиз зарбасидан баданида қизил доғлар кўпайиб кетган келинини кўрган қуда хола уни қабул қилмади: "Мана шу келиним кетганидан буён жонимга оро кирди. Ҳамма нарсам жой-жойида, покпокиза турибди. Келиним ўзи билан бирга аразчи бургаларини ҳам олиб кетган экан, барака топсин". Шундай қилиб ўғирланган келин яна ноилож орқага қайтди.

**Нигора ЙЎЛДОШЕВА**

### Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари

**Қиссадан ҳисса**

# БЕЗОВТА КУНДОШ

*(Боши ўтган сонда.)*

Буёғи тушдек кечди. Матлубанинг тепасида кундоши Мавлуда пайдо бўлди. Қўрқувдан кўзлари олайиб кетган Матлуба ҳайрат билан унга тикилди. Туман ичидан чиқиб келган Мавлуда нигоҳини шифонердан узмайин сўзланди.

- Ҳой, уйқучи гўзал,- деди у чап оёғининг учи билан Матлубанинг бошига ниқиб,- тезроқ туриб Мойлиқоранинг кийимларини топиб бер, мен шифонердан ахтариб тополмадим. Ҳамма нарсанг ивирсиб, аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Эссизгина, шифонерниям хор қилибсан. Тур, тура қол, тезроқ бўл, вақт кетмасин, ҳар дақиқа



ғанимат, шошилмасам бўлмайди, у икки дунё орасида турибди ҳозир.

Донг қотиб қолган Матлуба анча маҳал анграйиб тургач, сўнг ҳадик, қўрқув, ажабсираш, ваҳима, ҳайрат аломатлари жамланган синиқ товушда қалтираб, қақшаб сўради:

- Кийимларини нима қиласиз?

- Нима қилардим, ўзига олиб бориб бераман.

- Ўзи энди нима қилади кийимларини?

- Нега бунча эзмаланиб ўсмоқчилайсан, нима қиларди, кияди-да.

- Ахир, у киши... энди ўлган-ку, қандай кияди, нимага кияди...

- Бекор айтибсан, Мойлиқора ўлмаган, тирик. Сенлар уни тириклай кўмгансанлар. Ҳозир тирик, кийимларини кияди-ю қайтиб келади. Сен туққан уч боланинг атиги биттагинасини мен туққанимда ҳам Мойлиқора бу ҳолга тушмас, тириклай гўрга кўмилмас эди. Не қилайки, Мойлиқора билан ўн йил тирноққа зор бўлиб яшадик. Мойлиқора мендан ажралиб, сенга уйланганидан сўнг, аламимга чидолмай, ўзимни ўзим заҳарлаб ўлдирдим. Биз икки фарзанд кўриб, бирига Марғуба, иккинчисига Азиз деб исм қўйишни ният қилардик. Афсуски, бу фоний дунёдан икки қўлим тепамда, армон билан кўзим очиқ кетди. Етти йилдан бери Мойлиқорани кутардим, таъқибимни тўхтатмагандим. Мана, ниҳоят, ҳаммаси бир йўла ўнг келиб, ёнимга ҳам борди. Доим айтардим, Мойлиқора фақат меники деб, айтганимдай меники бўлди. Бир нарсага эътибор бер. Мойлиқора 16 августда туғилган, яна худди 16 август куни ўттиз етти ёшга тўлганда ёнимга борди. Яна бир нарсага эътибор бер, биз саксон саккизинчи йилнинг август ойида турмуш қургандик. Кўрдингми мўъжизани!

- Буёғи... шундайку-я, лекин ҳозир сиз, кийимларини кийиб, қайтиб келади, дегандингиз-ку, яна нега меники бўлади, деяпсиз?

- Қайтиб келсаям; руҳи, арвоҳи мен билан қолади энди. Сен билмайсан, у ёқда шундай қоида бор: эркак буёқда нечта хотин олмасин, у ёқда кўз очиб кўрган биринчи хотини билан бирга бўлади. Аёл ҳам нечта эрга тегмасин, кўз очиб кўрган эри билан топишади. Энди сенга эр йўқ. У менинг орқамдан Термиз, Тошкент, Қозоғистон-у Бухороларда юрган кезлари-даям Янгийўлга қанчалар азоб билан қатнаганини кошки сен билсанг, қоравой!

- Қўйинг энди Мавлуда опа, бундай гапларни гапирманг, гапларингизнинг ваҳимасидан қора терга тушиб кетаяпман. У киши энди ўлган, қайтиб тирилмайди, кийим ҳам киймайди, қайтиб ҳам келмайди. Бу ёмон бўлади. Сиз ҳам ўлиб кетгансиз, энди гўрингизда тинчгина, орқаларингизга бурилмасдан ётингизлар, охиратларингиз обод бўлиб, у дунёларингизни берсин.

- Бўлди, кўп саннамасдан, тезроқ кийимларини тугиб бер!

- Йўқ, ундай деманг, тушда ўлган киши уйдан нарса олиб кетса ёмон бўлади, мени энди тинч қўйинг. Бунинг устига, Мойлиқоранинг жўраси Бадир ака бугун таъзиядан сўнг ёнимга кириб ҳол сўраб, ўксиманг, ўзим бор, дегандилар. Энди ўликдан кўра тирикдан фойда-да... Мойлиқораниям қўл остига ишга олиб, ўз эркини ўзига бериб қўйганди.

- Кўп бидиллама, тинч қўйиб бўпман сен нияти бузуқни! - Мавлуда шундай, деб Матлубанинг томоғига чанг солди. - Мойлиқоранинг кийимларини тезроқ топиб бермасанг, бўғиб ўлдираман.

- Вой-дод!! Ёрдам беринглар, ўлди-им!

Бу овоздан хонадагиларнинг ҳаммаси уйғониб кетиб, бараварига сапчиб ўринларидан туриб кетишди. Кимлардир ёқасидан кўкрагига туфлади. Матлуба қора терга тушиб, сочлари жиққа ҳўл бўлган ҳолда икки қўли билан томоғига чанг солганича тўшагида илондек тўлғониб дод соларди.

Онаси ҳаллослаб келиб, қизининг бошини тиззасига олди. Қайнонаси туртиниб, суртиниб, пиёлада сув келтирди-ю, юзига сепди. Бошқалар ҳам уни ўраб олишди. Уй ўртасида изиллашиб йиғлашаётган Марғуба, Азиз ва Чаманларга биронтаси қайрилиб ҳам боқмасди. Анчадан сўнг ўзига келиб, сал ҳушини ўнглаган Матлуба телба қиёфасига кирган бўлса-да, тушида кундоши билан кечган ҳолатни синиқ товушда, узуқ-юлуқ ҳолда хўрсиниш аралаш сўзлаб берди-ю, ҳушидан кетди. Онаси уввос солиб беҳуш қизига ёпишди. Қолганлар саросимада қолишди. Мойлиқоранинг онаси отилиб чиқиб кетиб, меҳмонхонадан эрини чақириб олди ва ўпкаси оғзига тиқилганича шоша-пиша туш тафсилотини баён қилди. Хотинини тинглаётган эр сергакланиб, ҳушёр тортди, тараддудланиб, безовталана бошлади ва хотинининг мулоҳазаларини бетоқат эшитгач ичкари кириб муллани маслаҳатга чорлади.Мулланинг хулосасидан кейин бир зумда меҳмонхонада ўн чоғли яқинлар жам бўлишди.

...Тонг отган маҳалда Мойлиқоранинг қабрига тортилган тупроқ ҳам қайта ташқарига тортиб чиқариб бўлинди. Қуёш кокиллари тоғ чўққилари ортидан кўрина бошлаганда лаҳат туйнугидаги чимлар ҳам олиб бўлинди. Ҳамма турган жойида донг қотиб қолди. Кафан тилка пора йиртилган, Мойлиқора эса, лаҳат туйнуги олдида юз тубан ҳолда пешонасини туйнук пастига тираганча ростакамига ўлиб ётарди.Қабр тепасидагилар ўзларини ўнглагунларича ҳам бўлмай, Матлубанинг жони узилгани ҳақида орқаларидан хабар келди.

**Нормамат ТОҒА**

Оила ва жамият

**Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.**

**Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.**

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

**Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20**
**Табриклар, эълонлар: 133-04-50**
**Бўлимлар: Оила -133-04-35, 34-25-46**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** - {якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида **№ 33** рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 742. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади - 3183
Саҳифаловчи — **Акбар ШОДИЕВ.**
Рассом — **Набижон ХОЛМУРОДОВ.**
Навбатчи - **М. СОДИҚОВ.**